



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2023 yil « 29 » декабрь

№ ПФ–221

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.
- Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.
- Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июндаги “Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш самарадорлигини ошириш ва аҳолини улар билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5460-сон Фармони 2-бандининг “а” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5630-сон Фармони 5-бандининг “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) давлат активларини сотишдан тушадиган маблағларнинг (ушбу банднинг “в”-“г” кичик бандлари бундан мустасно):

92 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

5 фоизи — Жамғармага;

3 фоизи — Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига”.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ–46-сон Фармони 8-бандининг “ж” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ж) дарахт ва буталарнинг зараркунандалари ҳамда касалликларига қарши курашиш тадбирларига туман (шаҳар) ҳокимликларининг таклифига кўра халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг қарори асосида туман (шаҳар) бюджетларида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан маблағлар ажратилади”.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга

мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 41-мақсадидан олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–87-сон Фармони 17-банди қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Мазкур банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган ота-оналар бадалидан озод қилинган тарбияланувчиларнинг давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги озиқ-овқат харажатлари тўлиқ давлат бюджетидан қоплаб берилсин”.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 майдаги “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–79-сон Фармонига 8-илова 18-банди “к” кичик бандининг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2030 йил 1 январга қадар мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг (вазирлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмаларидан ташқари) бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида белгиланади”.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги “Маъмурий ислохотлар доирасида сув хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–101-сон Фармони 7-бандининг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Белгилансинки, Инспекциянинг марказий аппарати фаолияти Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари фаолияти тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади”.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 августдаги ПФ–151-сон Фармони билан тасдиқланган Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича “йўл харитаси”нинг 16-позицияси “Чора-тадбирлар” устунида:

а) “б” кичик банди “тасарруфидаги бино-иншоотлар,” сўзларидан кейин “белгиланган меъёрлар доирасидаги” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) “в” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) “г” кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги “2” рақами “1,8” рақами билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўловлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тартибга асосан амалга оширилади”.

